

14. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. *Баланс финансовых ресурсов территорий*. 5-изд. – Уфа: ГП Принт, 2014. С. 86-90.
15. Верхолаз М.А. *Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов*. 6-изд. – Белград: Искра, 2015. С. 24-26.
16. Сабитова Н.М. *О понятии финансового потенциала региона и методологии его оценки*. // *Финансы*. 2016, № 2, с. 63-65.
17. Коломнец А.Л., Новикова А.И. *О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе*. // *Налоговый Вестник*. 2018, № 3, с. 5.
18. Королева Н.В. *Бюджетно-налоговая политика – как проявление экономической политики. Региональный аспект*. 6-изд. – Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Университета, 2014. С. 101-106.
19. Djamalov Kh.N. *Role and functions of the estimation of the business in the system of financial management*. // *Public finance*. // Paris, 2010 year may, p. 22-28.
20. Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B. *Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations*. // *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 2021, 3(05), 151-163.
21. Djamalov Kh.N. *Three-dimensional system for estimating efficiency and agreement of entrepreneurial activity priorities novateur publications*. // *Journal NX-A Multidisciplinary Peer Reviewed*. Journal ISSN No: 2581-4230. VOLUME 7, ISSUE 6, June. 2021. p. 365-370.
22. Дилмурадов А.Н. *Саноат зоналарини ривожлантириш хуудларнинг инновацион салоҳиятини оширишнинг муҳим омили*. // *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Саноат зоналарини ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг маърузаси*. 2020 йил 17декабрь. <https://mineconomy.uz/ru>.
23. Abdullayev A.B. *Improving income tax analysis methodology in business entities*. // *International journal of economic perspectives*. 16.10 (2022): 61-67.



### МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МУВОЗАНАТЛАШГАН МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ДАРОМАД БАЗАСИ ШАКЛЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

*Джумаев Соҳиб Хайитмуротович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a59](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a59)

**Аннотация.** Мақолада маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлиги ва унинг даромад базаси шаклланиш самарадорлигининг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимиз давлат бюджети ва хуудлар кесимида давлат бюджети даромадларининг шаклланиши, маҳаллий бюджетлар даромад манбаларининг таркиби таҳлил қилинган ҳамда солиқ тизимининг маҳаллий бюджетлар даромад базаси шаклланиши ва улар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ҳиссасига баҳо берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадларини такомиллаштириш орқали улар барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калитли сўзлар:** давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, молиявий барқарорлик, даромад базаси, молиявий салоҳият, бюджетлар барқарорлиги.

### АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ДОХОДНОЙ БАЗЫ НА СБАЛАНСИРОВАННУЮ ФИНАНСОВУЮ УСТОЙЧИВОСТЬ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

*Джумаев Соҳиб Хайитмуротович -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, базовый докторант*

**Аннотация.** В статье исследовано финансовая устойчивость местных бюджетов и научно-теоретические аспекты эффективности формирования их доходной базы. Также, были проанализированы государственный бюджет страны и формирование доходов государственного бюджета в разрезе регионов, структура источников доходов местных бюджетов, оценен роль налоговой системы в формировании доходной базы местных бюджетов и обеспечении их финансовой устойчивости. Разработаны предложения, направленные на обеспечение устойчивости местных бюджетов за счет совершенствования их доходов.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, местных бюджетов, финансовая устойчивость, доходная база, финансовый потенциал, устойчивость бюджетов.

### ANALYSIS OF THE IMPACT OF THE EFFICIENCY OF THE FORMATION OF THE INCOME BASE ON THE BALANCED FINANCIAL STABILITY OF LOCAL BUDGETS

*Djumaev Sohib Khaitmurotovich  
Tashkent State the University of Economics,  
basic doctoral student*

**Abstract.** The article examines the financial stability of local budgets and scientific and theoretical aspects of the effectiveness of the formation of their revenue base. Also, the state budget of the country and the formation of state budget revenues by regions, the structure of local budget revenue sources were analyzed, the role of the tax system in the formation of the revenue base of local budgets and ensuring their financial stability was assessed. Proposals have been developed aimed at ensuring the sustainability of local budgets by improving their revenues.

**Keywords:** state budget, local budgets, financial sustainability, revenue base, financial potential, sustainability of budgets.

**Кириш.** Глобаллашув ва ахборотлаштириш инқилоби тобора кучайиб бораётган мамлакатларда ҳукуматнинг турли даражаларидаги роли ва уларнинг хусусий сектор, фуқаролик жамияти билан ўзаро муносабатларини қайта кўриб чиқиш тақозо этилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги фаоллигини ошириш, ҳудудларда мавжуд молиявий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини ошириш уларнинг барқарор даромад базасини шакллантиришни талаб қилади. Солиқ тушумларини бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимлашнинг амалдаги тизими маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, улар томонидан молиялаштириладиган давлат харажатлари самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан янада кенг ислоҳ қилишни тақозо қилади. Айниқса, жаҳон мамлакатларида “COVID 19” пандемияси таъсирида ишбилармон фаоллик кўрсаткичининг пасайиши, жамиятнинг ижтимоий қатламидаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар маҳаллий ва ҳудудий давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини оширишни тақозо қилмоқда.

Жаҳон мамлакатлари давлат молиясини бошқариш тизимидаги “Харажатларни бошқариш” моделидан “Натижаларни бошқариш” моделига ўтиш ва шунингдек, ўрта муддатли фискал сиёсат услубиятига асосланган режалаштириш ва прогнозлаштириш амалиёти шароитида давлат бюджети молиявий ресурсларининг қуйи бюджетлар даражасида самарали ижросини таъминлаш кенг имкониятларга эга бўлаётганлиги бугунги кунда ўз тасдиғини топмоқда.

Янги Ўзбекистон истиқболдаги ривожланишининг устувор йўналишларини ўзида мужассамлаштирган тараққиёт стратегиясида ҳудудлар мутаносиб ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ ислохотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ ислохотлар уларга юклатилган харажат мажбуриятларига асосланган ҳолда даромад ваколатларини янада оширишни тақозо қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини муайян мезонлар асосида баҳолашга даврий ва узлуксиз тус бериш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди [1].

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги асимметрик тафовутни камайтиришга йўналтирилган ислохотлар, ижтимоий инфратузилма муассасалари фаолиятини модернизациялаш, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспортнинг хизматларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб

чиқиш фискал номарказлаштириш сиёсатидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини ўзида мужассамлаштирувчи молиявий барқарорлик ички тузилиши хусусиятлари харажатларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш имкониятларининг реал компонентлари асосида баҳоланади. Гарчи, даромадлар прогнози ва харажатлар режа кўрсаткичларининг мувозанатлаштирилиши таъминланаётган бўлса-да, даромадларнинг таркибидаги умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмаларнинг юқори салмоғи, субвенция шаклидаги бюджетлараро трансфертларнинг қуйи даражадаги бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги амалиётнинг сақланиб қолинаётганлиги маҳаллий бюджетлар барқарор даромад базасини шакллантириш билан боғлиқ ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилади. Айниқса, маҳаллий бюджетлар даромадлар ва харажатлари ижроси жараёнида режалаштирилган ва режалаштирилмаган кассавий тафовутни қисқа муддатли қоплаш бўйича бюджетлараро трансфертларнинг асосий турларидан бири бўлган ссудалар ажратиш амалиётидан кенг фойдаланилаётганлиги улар молиявий барқарорлигини баҳолаш услубияти ва бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича тизимли ислохотларни олиб боришни тақозо қилмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги кунда турли даражадаги бюджетлар барқарорлигининг кун тартибида долзарб аҳамият касб этишига қарамасдан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва баҳолашга ягона илмий ёндашув етарлича тизимлаштирилмаганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий ва бюджет барқарорлиги тушунчасининг мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан турлича ёндашувлар мавжуд.

Бу борада тадқиқот олиб борган ва бюджет барқарорлигига нисбатан комплекс ёндашган таърифни иқтисодчи Л.Н.Хазратқулова берган бўлиб, унинг фикрича, маҳаллий бюджетнинг барқарорлиги юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга уларга юклатилган харажат мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш учун ўтказиб бериладиган ва ажратиладиган бюджет ресурсларига нисбатан мустақиллиги [2] сифатида таъриф беради.

Иқтисодчи олим С.Г.Алмазов иқтисодий ва молиявий барқарорликнинг макроиқтисодий жиҳатларига аниқлик киритиб: “... барқарорлик – конкрет иқтисодий тизим ва ушбу иқтисодий тизим объектларининг иқтисодиётдаги циклик (тебранишли) ҳодисаларга, шунингдек, ташқи

омиллар таъсирига бардош бериш қобилияти”, – деб таърифлайди [3]. Муаллифнинг фикрича, объект ёки тизимга хос молиявий муносабатларнинг ички тузилмаси ва алоқаларини ўзида мужассамлаштирувчи молия механизми барқарорлигига молиявий барқарорлик, деб ҳисоблаш назарда тутилади. Бизнинг фикримизча ҳам молиявий барқарорлик умумий иқтисодий тизим объектларининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун молиявий барқарорлик тизимни мувозанатдан чиқаришга ҳаракат қилаётган ички ва ташқи омиллар ҳамда шарт-шароитларга қарши туриш қобилиятининг молиявий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттиради.

Ушбу ёндашувда молиявий барқарорлик мазмун-моҳияти яхлит мамлакат миллий иқтисодий объектлари ва ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молиявий самарадорлиги нуқтаи назаридан белгиланади. Шу билан бирга, молиявий барқарорлик иқтисодий тизим объекти ҳисобланган ҳудуднинг бюджет ва солиқ тизимини ҳам ўз ичига олади, бу эса ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти молиявий самарадорлиги, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жойларда самарали амалга оширилишига боғлиқдир.

Иқтисодчи Н.И.Яшина барқарорлик тушунчасининг молиявий-бюджет хусусиятларини ёритиш орқали даромадлар харажатлардан кўп бўлган тизимлар барқарор [4] эканлигини таъкидлайди ва айнан шундай тизимлар барқарорлиги “муносиб турмуш даражасини” таъминлаши мумкинлигини эътироф этиб ўтади. Иқтисодчининг ушбу ёндашувида, асосан, молиявий-бюджет барқарорлигининг асосий кафолати бошқарувнинг узлуксиз объекти сифатида даромадларнинг харажалардан ортиши сифатида намоён бўлувчи воқелик сифатида эътироф этилади. Шунингдек, ҳудудларнинг молиявий барқарорлиги ички ва ташқи ижтимоий-иқтисодий ва экологик омиллар ҳамда шарт-шароитларнинг комбинациясига боғлиқлигини эътироф этади.

Ҳудудларнинг молиявий ва бюджет барқарорлиги масалаларида кенг тадқиқот олиб бораётган иқтисодчи олим Р.М.Тухбатуллин муниципалитетлар (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) молиявий барқарорлиги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган харажат ва қарз мажбуриятларини хусусий бюджет маблағлари, муниципал мулклар, қонунчилик бўйича белгиланган миқдордан ошмаган ҳолдаги янги муниципал қарз мажбуриятлари ҳисобига қоплаш имконияти сифатида таърифлайди. Бунда бюджет барқарорлиги молиявий барқарорликнинг таркибий компоненти сифатида ёритилади [5].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий бақарорлигига ушбу ёндашувдаги берилган тарифларда ҳудудий давлат ҳокимияти органлари учун қарз маблағларни жалб қилиш ваколатига асосланган ҳолда бюджет барқарорлигига нисбатан кенг тушунча сифатида ёндашилган.

Иқтисодчи олимлар А.А.Михайлова ва Е.Н.Тимушев мамлакат миллий бюджет тизими барқарорлиги, аксарият ҳолатларда, ҳудудлар бюджет барқарорлиги орқали аниқланишини таъкидлаб ўтишган [6]. Хусусан, 2020 йилги глобал пандемия таъсиридаги иқтисодий инқирознинг олдини олишга йўналтирилган давлат тадбирларини кенг миқёсдаги молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати иқтисодийётдаги даврий пасайиш фазасида бюджет тизими барқарорлигига салбий таъсир этганлиги таъкидланади. Бунда унинг ички таркибий тузилмаси кесимида ҳудудлар даражасидаги бюджет барқарорлиги билан боғлиқ муаммолар яхлит бюджет тизими барқарорлигига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланган.

Бюджет тизими бюджетлари барқарорлиги концепциясининг кенг спектрдалиги, унинг асосий хусусияти солиқ тўловчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни баҳолашга вақтинчалик ёндашувда (ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда) намоён бўлади. Аксинча, уни қарзнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан тавсифловчи тўлов қобилияти ва ликвидлик тушунчалари фискал позициянинг торроқ тушунчаси билан аниқроқ тавсифланади (fiscal position) [7].

Шундай қилиб, бюджет барқарорлиги деганда, ижтимоий секторнинг шундай молиявий ҳолати – марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мақсадларини рўёбга чиқаришда уларга бириктирилган бюджет тизими бюджетларининг замон ва макондаги етарли молиявий салоҳияти мавжудлиги тушунилади. Ушбу тушунча орқали анъанавий равишда молиявий барқарорликнинг икки детерминантлари, яъни тўловга лаёқатлилик ва ликвидлиликнинг бюджет барқарорлигини бошқаришдаги муҳимлигига аниқлик киритишимиз мумкин.

Классик иқтисодчиларнинг илмий қарашлари, асосан, миллий даромадни давлат мақсадли фонди ҳисобланган бюджетга ундиришнинг солиқ механизмини, илк тамойиллар ва қарз маблағларини жалб қилишнинг илмий асосларини ёритишга қаратилган [8].

Демак, табиий равишда бюджет барқарорлигининг даромад компоненти сифатида солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш масалаларини тизимлаштиришга урғу берилган.

Замонавий бозор иқтисодиётининг илк фундаментал назариялари шаклланиш даври-

даёқ бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича давлатнинг қарз сиёсатига оид илк қарашларнинг шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Д.Рикардо давлат қарзларини вақтлараро бюджет чекловлари шароитида даромад ва харажатларни мувозанатлаштириш орқали бюджет барқарорлигига эришиш инструменти сифатида таърифлаган [8].

Давлат қарзлари барқарорлиги билан бир қаторда, бюджет тизими бюджетлари барқарорлиги мезонларидан бири – унинг қисқа муддатда турли хил, жумладан, иқтисодий, ижтимоий ва экологик инқиروزлар таъсирига чидамлилиги [9] (resilience) мезонини ифодалаши таъкидланади.

Демак, давлат бюджети барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанат, изчил иқтисодий ўсиш ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ҳамда ўзаро таъсирчан тавсифга эга. Чунки давлат бюджетининг моддий негизини миллий хўжалигида яратиладиган ЯИМ ва миллий даромад ташкил қилади. Зеро, ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш натижасида миллий молиявий манфаатларни ўзида мужассамлаштирувчи давлат бюджетининг даромадлари шакллansa, бюджет харажатлари воситасида мамлакат иқтисодиёти учун ялпи талабнинг молиявий асослари яратилади. Бюджет даромадлари ва харажатларининг мутаносиблиги эса бюджет барқарорлигини ўзида мужассамлаштиради.

**Таҳлил ва натижалар.** Маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини оши-

риш, маҳаллий бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш давлат ҳокимияти органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим молиявий омили ҳисобланади. Кейинги йилларда маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, уларнинг бириктирилган барқарор даромад манбаини шакллантириш орқали маҳаллий бюджетлар харажат мажбуриятлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли фармонида [13] мувофиқ, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш жараёнида бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларнинг тақсимланишида бир қатор ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича белгиланган солиқ тушумлари, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғи, товарларнинг баъзи турлари билан савдо қилиш ва хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимларнинг тўлиқ хажмда қуйи бюджетлар, яъни туманлар бюджетига ўтказилиши уларнинг нафақат даромад базаси, балки туманлар кесимида шаклланидиган бюджет-солиқ салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, солиқ базасини янада кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъминлаш орқали бюджет тизими бюджетлари даромадларининг ортиши таъминланади.

1-жадвал

**Бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқ тушумларининг тақсимланиши**

№	Тушумлар номи	Ўрта бўгин бюджетига даромад сифатида бириктириш	Туманлар бюджетига даромад сифатида ўтказиш	Маҳаллий даражадаги бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш	Бюджет тизими бюджетлари ўртасида меъёрий ажратмалар асосида тақсимлаш
1.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича белгиланган солиқ тушумлари, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғи, товарларнинг баъзи турлари билан савдо қилиш ва хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар		+		
2.	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ ва бозорлардан тушаётган даромадлар			+	
3.	Юридик шахслар ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ва бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ истеъмоли учун солиқ	+			
4.	ЮШ фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ЯСТ, ЖШ даромад солиғи				+
5.	Худудлар кесимида белгиланган прогноздан ортиқча даромадлар	+			


**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5075-сонли фармони асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва бозорлардан тушаётган даромадларни маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш ваколатининг берилиши умумдават солиқлари ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустақкамлашнинг муҳим молиявий омили ҳисобланади. Умуман, ушбу фармон асосидаги бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни тақсимлаш тизимидаги ислохотлар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвалдан кўриш мумкинки, бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни тақсимлаш солиқ тушумларини бюджет тизими бюджетларига, хусусан, туман бюджетларига бириктириш, маҳаллий даражадаги бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш, меъёрий ажратмалар воситасида тақсимлаш механизмларига аниқлик киритилган бўлиб, даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлашни ислох қилиш, асосан, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустақкамлашга қаратилмоқда. Гарчи, юқоридаги жадвалга мувофиқ, солиқ тушумлари тақсимотида асосий урғу маҳаллий солиқлар ва йиғимларга ҳам қаратилаётган бўлса-да, ушбу солиқлар бўйича маҳаллий даражадаги бюджетлар ўртасида аниқ тақсимот механизмнинг ҳуқуқий асослари етишмаслиги доимий равишда туман бюджетларининг ўрта бў-

ғин бюджетларига молиявий қарамлигини юзага келтирар эди. Демак, том маънода айтганда, юқоридаги тақсимот механизми маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад ваколатларини кенгайтириш орқали бюджет ваколатларини марказсизлаштириш (децентрализация) сиёсатини ўзида мужассамлаштириб, уларнинг бюджет барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [14]. Ушбу стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасининг “Давлат бюджети даражалари ўртасида мажбуриятларни ажратиш”га бағишланган 11-бобида Бюджет тизими даражалари ўртасидаги бюджет муносабатларини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларда маҳаллий бюджетлар барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва самарали бюджет харажатлари менежментини шакллантириш бўйича вазифалар юкланди. Бунда маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустақкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги учта чора-тадбир белгилаб олинди.



1-расм. Бюджет тизими даражалари ўртасидаги бюджет муносабатларини такомиллаштиришнинг йўналишлари

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сонли қарори 2-иловаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу расмга мувофиқ, жорий бюджетлараро муносабатларни қайта кўриб чиқишда жаҳон банкининг харажат ваколатларини аниқлаштириш ва даромадларни давлат бошқарувининг турли даражасида тақсимлаш юзасидан ўтказилган давлат харажатлари шарҳи асос сифатида олинган.

Маълумки, бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромад ва харажатлари тақсимлани-

шининг кенг спектрдаги турлари бўйича қуйидаги 3 та усулини ажратишимиз мумкин:

1. Бюджет тизими бюджетлари учун даромад ва харажатларни бириктириш.
2. Меъёрий улушлар асосида даромад ва харажатларни тақсимлаш.
3. Харажат мажбуриятларини ўтказиш, мувозанатлаштириш ва жорий ликвидликни қўллаб-қувватлаш каби мақсадлар арсеналига асосланган молиявий ёрдам кўрсатиш [10].

Бизнинг фикримизча, харажат мажбуриятларига асосланган ҳолда даромад ваколатларини қонуний бириктириш ва шунингдек, айрим марказга тегишли харажат мажбуриятларини ўтказиш ҳисобига уни ижро этиш вазифалари кесимидаги бюджетлараро трансфертлар орқали қуйи бюджетларни мувозанатлаштириш сиёсати уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун юқори самарали ҳисобланади. Бунда амалдаги ижтимоий трансфертлар назарда тутилиб, ушбу трансфертларда маҳаллий бюджетлар, асосан, транзит вазифасинигина бажариши мумкин.

Харажатлар ҳамда солиқ ва йиғимларни маҳаллий бюджетларга бириктириш сиёсатини давом эттиришда маҳаллий бюджетларнинг харажат мажбуриятлари бажарилмаслиги бўйича рисклар олдини олиши муҳим омил сифатида олинмоқда. Гарчи, ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетларни вертикал ва горизонтал тенглаштириш сиёсатида қатор натижаларга эришилган бўлса-да, бюджетлараро трансфертлар тизимида маҳаллий бюджетлар учун кассавий тафовутларга ажратилаётган ссудалар улар жорий ликвидилигининг даврли йўқолиш эҳтимоллиги мавжудлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш тизимида маълум даражада муаммолар мавжудлигини тасдиқлайди.

Жаҳон амалиётида иқтисодий самарадорликни таъминлаш мезонларига мувофиқ, солиқларни бюджетга бириктиришда қуйидаги принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади:

1. Республика бюджети учун бириктирилган солиқлар мамлакат иқтисодиётини макро-

иқтисодий тартибга солиш тизимида юқори мультипликатив самара берувчи солиқлар ҳисобланиши лозим.


2. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тақсимланиш тизими ва даромадлар тенгсизлигини тартибга солувчи прогрессив солиқлар республика бюджетининг даромад манбаи сифатида бириктирилиши лозим.

3. Солиқ базасининг тақсимланишидаги кучли диспропорцияга асосланган солиқлар қуйи бюджетларни вертикал тенглаштириш сиёсатида юқори самара бермайди. Шунинг учун ҳам бундай солиқларни марказий ҳукумат бюджети учун даромад манбаи сифатида бириктириш тавсия этилади.

4. Табиий равишда маҳаллий бюджетлар учун вертикал тенглаштириш тизимида юқори самара берувчи солиқлар солиқ базаси юқори даражада ҳаракатланувчи бўлмаслиги ва ҳудудлар кесимида нисбатан тенг тақсимланган бўлиши зарур.

Ушбу тамойиллар асосида маҳаллий бюджетларга солиқларни бириктириш сиёсатини давом эттириш, биринчи навбатда, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустақкамлаш орқали улар молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятларини яратади.

Қуйидаги расмдан кўришимиз мумкинки, маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлардан тушумларнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши 2017 йилда 49,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 28,5 фоизни ташкил қилган.



2-расм. Бюджет тизими бюджетларининг давлат бюджети даромадларидаги улуши, %


Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Давлат бюджети даромадлари таркибида маҳаллий бюджет даромадларининг улуши пайсаси бориши харажат мажбуриятларини молиялаштириш тизимида республика бюджетидан ўтказиладиган бюджетлараро трансферт-

лар сиёсатидаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатган. Шунингдек, меъёрий ажратмалар воситасидаги умумдавлат солиқларидан тушумларни тақсимлаш сиёсатидаги ўзгариш ҳам таъсир этмоқда.

Демак, маҳаллий бюджетларга ижтимоий соҳадаги харажатларнинг залворли юки шароитида уларнинг заиф бириктирилган даромад базасининг шакллантирилаётганлиги улар молиявий барқарорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Натижа-

да ушбу харажатлар билан боғлиқ юқори даражадаги молиявий юкнинг маҳаллий бюджетлар зиммасига тушаётганлиги уларнинг юқори бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларга боғлиқлигини кучайтирмоқда.



3-расм. Ижтимоий трансфертларнинг динамикаси, млрд. сўм

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Расмдан кўришимиз мумкинки, маҳаллий бюджетларга ажратилаётган ижтимоий трансфертларнинг номинал миқдори 2019-2022 йилларда ўсиб бориш тенденциясини намоён қилмоқда. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибидаги бирламчи даражада бажарилиши лозим бўлган харажатлар (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ягона ижтимоий тўлов,

кам таъминланган оилаларга нафақалар) уларни молиявий таъминлаш бўйича кафолатланган даромад манбаини талаб қилади. Айни пайтда бундай кафолатланган молиявий манба сифатида бюджетлараро трансфертлар тизимида ижтимоий трансфертлардан фаол фойдаланиб келинмоқда.

2-жадвал

Худудлар кесимида ижтимоий трансфертларнинг тақсимланиши

	2019	2020	2021	2022
Андижон вилояти	11,1	8,2	8,4	11,8
Бухоро вилояти	4,1	6,8	4,2	3,1
Жиззах вилояти	7,6	5,1	4,7	5,8
Қашқадарё вилояти	3,7	11,0	15,2	15,1
Навоний вилояти	2,4	1,4	0,0	0,0
Наманган вилояти	9,9	10,3	11,9	12,0
Самарқанд вилояти	15,2	7,3	10,6	7,1
Сурхондарё вилояти	11,1	8,4	12,4	14,0
Сирдарё вилояти	5,4	8,5	5,1	4,7
Тошкент шаҳри	6,9	11,3	0,0	0,0
Фарғона вилояти	6,6	7,5	8,8	9,7
Хоразм вилояти	7,4	5,0	6,1	6,0
Қорақалпоғистон Республикаси	5,6	4,1	12,5	10,7
Тошкент вилояти	3,0	5,1	0,0	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвалдан кўриш мумкинки, ижтимоий трансфертларнинг худудлар кесимида тақсимланишида Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси юқори кўрсаткичларни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолат икки асосий омилга боғлиқ бўлган: биринчиси, худуд молиявий-бюджет салоҳияти ҳисобига шаклланидиган заиф даромад базаси;

иккинчиси, худудларда бирламчи даражадаги ижтимоий хизматларга эҳтиёжманд аҳоли қатламнинг юқори улуши мавжудлиги асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Худудлар кесимида маҳаллий бюджетлар даромад базасининг шаклланишини кўриб ўтандиган бўлсак, куйидаги манзаранинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

## Худудлар кесимида давлат бюджети даромадларининг шаклланиши таҳлили, %

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	3,4	4,4	3,8	1,8	1,4
2.	Анджон вилояти	3,3	3,2	3,9	2,1	1,9
3.	Бухоро вилояти	5,9	5,1	5,1	1,9	1,9
4.	Жиззах вилояти	1,9	1,8	1,8	1,1	1,0
5.	Қашқадарё вилояти	7,5	7,2	7,5	2,2	2,3
6.	Навоий вилояти	7,2	10,0	12,1	1,0	1,1
7.	Наманган вилояти	2,7	2,5	2,7	1,8	1,8
8.	Самарқанд вилояти	4,1	3,7	3,8	2,3	2,5
9.	Сурхондарё вилояти	2,7	2,6	2,6	1,6	1,5
10.	Сирдарё вилояти	1,5	1,5	1,6	0,7	0,7
11.	Тошкент вилояти	10,4	11,1	11,3	3,2	3,4
12.	Фарғона вилояти	5,6	5,1	4,8	2,4	2,5
13.	Хоразм вилояти	2,3	2,2	2,4	1,4	1,6
14.	Тошкент шаҳри	28,2	24,8	24,1	11,3	12,1
	Йирик солиқ тўловчилар	13,3	14,8	12,5	65,2	64,3
	Жами:	100	100	100	100	100
	$X_{max}$	28,2	24,8	24,1	11,3	12,1
	$X_{min}$	1,5	1,5	1,6	0,7	0,7
	Вариацион кенглик, $R = X_{max} - X_{min}$	26,7	23,3	22,5	10,2	11,4

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Худудлар кесимида давлат бюджети даромадларининг тақсимланишида кучли тафовут кузатилмоқда. Шу билан биргаликда, давлат бюджети даромадлари таркибида йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқларнинг улуши ортиб бориш тенденциясини намоён қилмоқда. Ушбу солиқ тўловчилар категорияси томонидан тўланган солиқларнинг даромадлар тақсимланишидаги вариацион кенгликнинг 2017 йилда 26,7 дан 2021 йилга келиб, 11,0 га қисқариши кузатилган. Лекин айрим худудлар бюджет салоҳияти (масалан, Навоий вилоятида – 2021 йилда 1,1, Жиззах вилоятида – 2021 йилда 1,0), асосан, йирик солиқ тўловчилар ҳисоби-га шаклланаётганлигини кузатиш мумкин.

Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, худудлар кесимида даромадлар даражаси бўйича кескин тафовут фискал фактор ролини ўйновчи йирик солиқ тўловчиларга боғлиқ бўлмоқда. Демак, фаол инвестиция ва хусусан, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш воситасида худудлар кесимида стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни реализация қилиш худудларда молиявий-бюджет салоҳиятини оширишнинг бош омили ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашда уларга юклатилган харажат мажбуриятлари кесимида

улар молиявий барқарорлигининг мустаҳкам молиявий захирасини ошириш мақсадга мувофиқ. Ўрта бўғин бюджетлари ва қуйи бюджетлар ўртасида даромадларнинг тақсимланишида жисмоний шахслар ер солиғи бўйича даромадлари тақсимланишининг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш мақадга мувофиқ.

Маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича ислохотларни давом эттириш улар молиявий барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ва улар даромадлари таркибида ижтимоий трансфертлар ҳажмини ошириш орқали барқарорлигини таъминлаш учун:

а) автотранспорт воситалари эгаларидан двигателнинг қувватидан келиб чиқиб (махсус автотранспортлардан ташқари), қатъий белгиланган суммада ундириладиган мажбурий йиғим жорий этиш;

б) бензин, дизель ёқилғиси, сиқилган ва суюлтирилган газ қуйиш шохобчалари орқали сотилган ҳар бир литр ёки куб. метр ёқилғи учун 25 сўмдан йиғим жорий этиш. Бунда халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига йиғимни ошириш ҳуқуқини бериш (лекин 2 баравардан кўп бўлмаган миқдорда) таклиф этилади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сонли қарори.
2. Хазраткулова Л.Н. Анализ финансовой устойчивости местных бюджетов Республики Узбекистан. // Региональные проблемы преобразования экономики. № 8, 2019 г.
3. Алмазов С.Г. Совершенствование методики оценки финансовой устойчивости местных бюджетов. Автореф. дис. ... канд. экон. наук: спец. 08.00.10. “Финансы, денежное обращение и кредит”. – Ставрополь: Северо-Кавказский гос. техн. ун-т, 2007. – 23 с. 12.



4. Яшина Н.И. Управление расходами бюджетов административно-территориальных образований. Монография. / Н.И.Яшина, И.А.Гришунина. – Н. Новгород: Изд-во Нижегород. гос. техн. ун-та, 2004. – 324 с.
5. Тухбатуллин, Р.М. К вопросу об оценке финансовой устойчивости муниципальных образований [Текст]. / Р.М.Тухбатуллин. // Казанская наука. 2017. № 10. С. 32-34.
6. Mikhaylova A.A., Timushev E.N. Russia's Budgetary System: How Much Sustainable? HSE Economic Journal. 2020; 24(4): 572-597. (In Russ.)
7. Schick A. Sustainable Budget Policy: Concepts and Approaches. // OECD Journal on Budgeting. 2005. № 5 (1). P. 107-126.
8. Блауг М., Смит А. // *Экономическая мысль в ретроспективе*. – М.: Дело, 1994. С. 32-61.
9. Fassi D., Sedini C. Design Solutions for Resilience. // H.Pinto, T.Noronha, E.Vaz. (eds.) Resilience and Regional Dynamics. An International Approach to a New Research Agenda. Springer International Publishing, 2018. P. 131-150.
10. Gruber, Jonathan. Public Finance and Public Policy (Fourth ed.). (2012). – New York: Worth Publishers. Pp. 280-285. ISBN 978-1-4292-7845-4.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари (<https://www.mf.uz>).
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 3172-сонли низоми.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5075-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5075-сонли фармони.



### АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ БАЛАНСИГА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ОПТИМАЛ ТАЪСИРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Зайниев Фарход Нуриддинович -**

Тошкент давлат иқтисодий университетининг  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a60](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a60)

**Аннотация.** Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши контекстидаги миллий даромаднинг изчил ўсиши иқтисодий агентлар шахсий тасарруфидаги даромадларининг ортишини таъминласа-да, ушбу даромадларни ижтимоий-адолат принциплари асосида тақсимлаш орқали даромадлар тенгсизлиги ҳолатининг олдини олишнинг молиявий механизмларига эҳтиёж сезади.

**Калит сўзлар:** оптимал солиқ тизими, вертикал ва горизонтал тенглик, солиқ режими, даромадларнинг нафлиги, маржинал нафлилик, селектив ёндашув, стационар нуқта, даромад интервали, даромад солиғи макроқўлами, прогрессив солиққа тортиш тизими.

### ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОПТИМАЛЬНОГО ВЛИЯНИЯ НДФЛ НА БАЛАНС ДОХОДОВ И РАСХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ

**Зайниев Фарход Нуриддинович -**

Независимый студент Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** Последовательный рост национального дохода в условиях устойчивого развития экономики страны при обеспечении роста личных доходов экономических агентов требует финансовых механизмов предотвращения неравенства доходов путем распределения этих доходов на основе принципов социальной справедливости.

**Ключевые слова:** оптимальная налоговая система, вертикальное и горизонтальное равенство, налоговый режим, полезность дохода, предельная полезность, выборочный подход, стационарная точка, доходный интервал, макромасштаб подоходного налога, прогрессивная система налогообложения.

### WAYS TO ENSURE THE OPTIMAL EFFECT OF PERSONAL INCOME TAX ON THE BALANCE OF INCOME AND EXPENDITURE OF THE POPULATION

**Zayniev Farkhod Nuriddinovich -**

Independent student of Tashkent State University of Economics

**Abstract.** Consistent growth of national income in the context of sustainable development of the country's economy while ensuring the growth of personal incomes of economic agents requires financial mechanisms to prevent income inequality by distributing these incomes based on the principles of social justice.

**Key words:** optimal tax system, vertical and horizontal equality, tax regime, income utility, marginal utility, sampling approach, stationary point, income interval, income tax macroscale, progressive taxation system.